

диагонал жойлашган 5 та катта квадратга тўғри келади. Эритроцитлар сонини 80 та кичик квадратларда санаб, формула бўйича 1 мм³ қондаги ва 1 литр қондаги эритроцитлар ҳисобланади.

Фотометрик усуллар электрофотокolorиметр ёрдамида текширилиб, эритроцитлар сонини аниқлаш эритроцитлардан фотоэлемент ёрдамида ўтган ёруғликни ҳисоблашга асосланган. Бунда 9 мл 0,9% ли NaCl эритмасига дозатор ёрдамида 20 мкл қон қўшилади, аралаштирилади ва 3 мм қалинликдаги кюветга қуйилади. Ўлчаш кюветдаги қуюн ҳаракатлари тўхтаганидан сўнг, тўлқин узунлиги 750 нм да экстинкция коэффициент (E) ўлчанади.

Эритроцитларни ҳисоблашнинг электрон-автоматик усулида тор капиллярлардан қон хужайралари ўтганда электр қаршилиги ўзгаришига асосланган. Бу қаршилиқ электромагнит ҳисоблагич ёрдамида қайд қилинади. Хар бир хужайра осцилоскопик экранда қўринади ва автоматик ҳисоблагич ёрдамида регистрация қилинади.

Эритроцитлар миқдорининг камайиши (эритроцитопения) характерли: анемиялар (темир танқислик, гемолитик, гипопластик, В12 танқислик), ўткир қон йўқотишлар, сурункали яллиғланиш жараёнлари, гипергидратация, баъзи дори воситаларини қабул қилганда (цитостатик, антибиотик, анальгетик, сульфаниламидлар, хомиладорликнинг охириги ойлари, алкоголь кўп қабул қилганда аниқланади.

Эритроцитлар сонининг ортиши (эритроцитоз) эритропоз зарарланиши, қон касалликлари, реактив эритроцитозлар (bronх-ўпка патологиясида вентиляция етишмовчилиқ, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, баланд жойда бўлганда), эритропозининг ишлаб чиқарилиши ортиши билан чақирилган эритроцитозлар (буйраклар гидронефроз ва поликистози, буйрак ва жигар хосилалари), организмда стероидлар юқорилиги билан боғлиқ эритроцитозлар (Кушинг синдроми ва касаллиги, феохромоцитома, гиперальдостеронизм, стероидлар билан даволанганда), дегидратациядаги нисбий эритроцитозлар (ўткир захарланишлар, ацидозлар, қуйиш, диарея, диуретиклар қабул қилганда) кузатилади.

Адабиётлар.

1. Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А. Лаборатор текширувлар учун материал олиш қоидалари: ўқув қўлланма. Тошкент, 2023.
2. Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А. Лаборатор текширувлар учун материал олиш қоидалари: электрон ўқув қўлланма. Тошкент, 2023.
3. Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А. Клиник лаборатор таҳлиллар учун биологик материал олиш қоидалари: ўқув - услубий қўлланма. Тошкент, 2023.
4. Babadjanova Sh.A., Kurbonova Z.Ch. Qon kasalliklari: o'quv qo'llanma. 2023, 156 b.
5. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Laborator tekshirish uchun material olish qoidalar: elektron o'quv qo'llanma. Toshkent, 2023.
6. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A., Sayfutdinova Z.A. Laboratory work: study guide. Tashkent, 2023
7. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A., Sayfutdinova Z.A. Laboratory work: electronic study guides. Tashkent, 2023

